

## Масжидул Ҳарамда рухсатномасиз ибодат қилганларга жарима солинади



18:00 / 28.04.2021 1840

Саудия Арабистонида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида Масжидул Ҳарамга ташриф буюриш учун махсус рухсатнома йўлланмаси талаб этилади. Бу ҳақда [mupamaz.ru](http://mupamaz.ru) нашри хабар берди.

Энди мусулмонларнинг бош масжидига рухсатномасиз ибодат қилиш учун кирганларга 1000 риёл (\$270), Умра амалларини бажарганларга эса 10 000 риёл (\$2700) жарима солинади. Бу ҳақда Қироллик ички ишлар вазирлиги хабар бермоқда.

Маълумотларга кўра ушбу фармон бутун Рамазон ойи учун амал қилади.

**Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи**